

## МОШ НАВЛАРИНИ ЎСИШИ, РИВОЖЛАНИШИ, ДОН ҲОСИЛДОРЛИГИ ВА СИФАТИНИ ЎРГАНИШ

С.Юлдашева

Андижон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институти, магистранти

**Аннотация:** Мазкур мақолада о'рганилаётган омилларнинг мош поясининг баландлиги ва ҳосилдорлигига ҳамда дон сифатига та'сири баён этилган. Тажриба натижаларига кўра, экиши муддати бўйича навларнинг ўсиши баҳор даврига нисбатан 20 июн ва 1 июлда экилганда поя баландлигидан 2,3-5,2 см юқори эканлиги аниқланди. Аниқланишича, 20 июн куни тақрорий экишида баҳорги экиши даврига нисбатан “Дурдана” навининг ҳосилдорлиги экиши меъёрига кўра 2,2-2,8 с/га ошганлиги кузатилди. Шунингдек, экиши муддатлари ва меъёрлари мош дони таркибидаги оқсилга таъсир кўрсатиб, экиши меъёри ошган сари оқсил миқдорини камайиши, тақрорий экилганда оқсил миқдори баҳоргига нисбатан «Истиқлол-30» навида 1,7-1,0% га, «Дурдана» навида 0,3-0,5% га ошганлиги аниқланган.

**Калит сўзлар:** мош, Осиё ловияси, ўтлоқи-ботқоқ тупроқ, Истиқлол-30, Дурдана, нав, дуккаклаш, туганак, поя, оқси, ҳосилдорлик.

**Аннотация:** В данной статье описано влияние изучаемых факторов на высоту и продуктивность браги, стебли и качество зерна. По результатам опыта установлено, что прирост сортов по срокам посадки на 2,3-5,2 см выше высоты штамба при посадке 20 июня и 1 июля по сравнению с весенним периодом. Установлено, что 20 июня урожайность сорта Дурдана увеличилась на 2,2-2,8 ц/час по норме высеива, по сравнению с весенним сроком посева. Кроме того, сроки и нормы посева влияют на содержание белка в зерне мешанки, по мере увеличения нормы высеива количество белка снижается, а при повторном посеве количество белка составляет 1,7-1,0% у сорта Истиқлол-30 по сравнению с яровым. установлено, что у сорта «Дурдана» она увеличилась на 0,3-0,5%.

### КИРИШ

Дунёда дуккакли экинлар хусусан мош этиштиришнинг илгор ресурстежамкор технологияси бўйича кенг кўламдаги илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Мошнинг потенсиал имкониятидан фойдаланган ҳолда ўзига хос ресурстежамкор этиштириш технологияларни илмий асосларига таяниб, тупроқ-иклим шароитларига мос бўлган навлардан экологик тоза, таркибида оқсил ва витаминларга бой бўлган дон ҳосили этиштирмоқдалар. Шу нуқтаи назардан, мошнинг серҳосил навларининг этиштириш агротехнологияларини такомиллаштириш яъни экиш муддати ва меъёрларини тўғри белгилаш, минерал ўғитлар билан озиқлантиришни мақбуллаштириш ҳамда навбатлаб экишни тўғри татбиқ этиш бўйича тадқиқотлар натижасида тупроқ унумдорлигини

тиклаш ва ошириш, чорвачиликни тўйимли озуқа билан таъминлаш бўйича илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ 5303-сон 2018 йил 16 декабрдаги «Мамлакатимизнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, ПФ-5853-сон 2019 йил 23 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ти ва ПФ-5742-сонли 2019 йил 17 июндаги “Қишлоқ хўжалигида эр ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида”ти фармон, қарорларида ва бошқа меъёрий-хуқуқий хужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қиласди.

Мавзуга оид адабиётларнинг таҳлили Хозирги вақтда республикамизнинг аҳоли зич жойлашган худудларида фермер хўжаликларида ғалладан бўшаган майдонларда тақорорий экин сифатида соя, мөш ва ловия (фасол) экинлари тақорорий экин сифатида дон учун етиштирилмоқда. Шундай бўлсада, хозирги кунга қадар республикамизда ушбу экинларнинг тақорорий экин сифатида мақбул экиш муддатлари, меъёрлари, маъдан ўғитлар меъёрлари ҳамда етиштириш агротехникаси ишлаб чиқилмаган.

Юзага келган муаммоларни ҳал этиш республика қишлоқ хўжалиги иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Республикаимизнинг сув билан яхши таъминланган худудларида фермер хўжаликларида бошоқли дон экинлар йигиштириб олингандан сўнг тупроқ унумдорлигини оширадиган, аҳолини озиқ-овқат ҳамда чорвани тўйимли озуқа билан таъминлай оладиган 30 дан ортиқ экин турини тақорорий экин сифатида экиш имкониятлари мавжуд. Бу эса фермерчилик фаолияти ривожланаётган бир вақтда долзарб масала ҳисобланади. Ана шундай экинлардан мөш, соя ва ловия (фасол) экинларини тақорорий экин сифатида мақбул экиш озиқлантириш меъёрларини ишлаб чиқиши эвазига ушбу экинлардан юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириб аҳолини озиқ-овқатга бўлган талабини қондириш мумкин. Республикаимиз шароитида кузги буғдойдан 60-70 с/га, тақорорий экин сифатида етиштириладиган мөш, соя ва ловия (фасол) экинларидан эса 15-25 с/га дон ҳосили етиштирилиб, бир мавсум давомида етиштириладиган дон ҳосилини 85-95 с/га етказиш имкониятлари мавжуд. Ушбулардан келиб чиқиб, фермерларимизнинг иқтисодини ривожлантириш, фермер хўжаликларида кузги буғдой анғизига тақорорий экин сифатида сувни кам талаб этувчи ва тупроқ унумдорлигини оширувчи мөш, соя ва ловия (фасол) экинларини экиб, ушбу экинларнинг мақбул озиқлантириш меъёрларини ишлаб чиқиши ва ишлаб чиқаришга тавсия этиш асосий мақсади ҳисобланади.

Р.Орипов ва Н.Халилов [1] ёзган дарсликларда мошнинг илдизи ўқ илдизли бўлиб, тупроқнинг 1,0-1,5м. қатламига кириб боради. Бўйи 40-60 см бўлиб, 1000 донининг вазни 30-80 г.бўлади. Агар мөш кўкат ўғит сифатида ишлатилса, пахта ҳосилини 40-60% га оширади. Дон ҳосили ҳам 15-18 с/га хар гектар ерда 50-100 кг азот тўплайди. Мөш экиш - муддатига мутаносиб ҳолда, 70-100 кунда пишиб етилади. Ҳар гектар ерга нав хусусияти бўйича 10-25 кг/га уруғ сарфланиб, кенг қаторлаб экилади.

З.Жумаев ва Э.Шерматовлар [2] берган маълумотларга қараганда Коракалпоғистон шароитида мош анғизда этиштирилганда, дони ва қўқ массасидаги оқсилнинг сезиларли даражада ошиши билан бирга ҳар гектар ҳисобига тупроқда 100 кг соф азот тўпланиши ҳамда 200-300 с/га қўқ масса ҳам этиштирилган.

И.Эрназаров [3] Мош уругини экишдан олдин маҳсус бактериялар билан заарлантирилса, 100 ўсимликда 775 дона дуккаклар бўлиб, оғирлиги 11,3г бўлган. Мош уруги экишдан олдин бактериялар билан заарсизлантирилмасдан экилганида эса 100 ўсимликда 325 та дуккаклар ҳосил бўлиб, оғирлиги 2,3 г ни ташкил этган. Натижада 100та ўсимликнинг ердан устки қисмининг оғирлиги бактериялар билан заарсизлантирилганида 425 граммни ташкил этиб, заарсизлантирилмаганида 325 грамни ташкил этиши кузатилган.

Тадқиқот методологияси Илмий тадқиқот ишларида олиб борилган фенологик кузатувлар ва биометрик ўлчовлар “Методика Государственного сортописпятия сельскохозяйственных культур” ва “Дала тажрибаларини ўтказиш услублари” (ЎзПТИ, 2007) асосида ўтказилган. Фотосинтез соф маҳсулдорлигини (А.А Ничипоровичнинг вазн услуби) аниқлаш, шунингдек олинган натижалар Б.А.Доспеховнинг “Дала тажрибалари услублари” бўйича Мисрософт Эксел дастури ёрдами асосида математик статистик таҳлил қилинди ва ҳисобланди.

Тадқиқот иши АҚХАИнинг “Ахборот-маслаҳат маркази (extension center)” давлат унитар корхонасининг ўтлоқи бўз тупроқлари шароитида олиб борилган. Маълумки ўтлоқи бўз тупроқлар қатламларга кам табақаланган бўлиб, гумуснинг камлиги билан характерланади.

Илмий тадқиқот ишлари дала ва лаборатория усулида олиб борилган. Лаборатория усулида уруғлик сифати ва ҳисобли ўсимликлар таҳлил қилинган. Дала тажрибалари тўрт қайтарикда, тўрт ярусда, вариантлар ренномизатсия усулида жойлаштирилган. Пайкаллар 4 қаторли, улардан ўртадаги 2 та қатор ҳисобли, четдаги қаторлар-ҳимоя қаторлари, қатор оралиғи 60см, экиш схемаси 60x10см. Узунлиги 20м, юзаси 48 м.2 Ҳисобли ўсимликлар сони 25 та.

Таҳлил ва натижалар Ўсимликнинг ҳосилдорлик кўрсаткичларини яхши бўлишида вегетатив органларни алоҳида ўрни бор Шу жумладан поя баландлигини кўрсатиб ўтиш мумкин бўлади. Поя баландлиги ҳосил шаклланишининг асосий манбаларидан бири бўлиб хизмат қиласи. Ўсимликнинг пояси навга мос ўлчамига яқин бўлса, демак бу нав яхши ўсиб ривожланган бўлади.

Дурдана нави 20 июнда экилганда шоналаш ривожланиш фазасида экиш меъёрлари бўйича поя баландлиги 19,1-23,0 см ни ташкил қиласи. Экиш меъёри ошиши эвазига поя баландлиги 2,0-3,9 см га ошган. Гуллаш фазасида экиш меъёрлари бўйича поя баландлиги 40,1-42,9 см ни ташкил қилиб, экиш меъёри ошиши эвазига 1,4-2,8 см га ошган. Дуккакланиш фазасида поя баландлиги экиш меъёрлари бўйича 66,2-70,8 см ни ташкил қилиб, экиш меъёри ошиши туфайли поя баландлиги 3,2-4,6 см га ошганлиги аниқланган.

Дурдона нави 1 июлда экилганда 4 та чин барги ривожланиш фазасида экиш меъёрлари бўйича поя баландлиги 26,2-29,3 см ни ташкил қилган. Экиш меъёри ошиши эвазига поя баланлиги 1,4-4,6 см га ошган. Гуллаш фазасида экиш меъёрлари бўйича поя баландлиги 43,5-46,8 см ни ташкил қилиб, экиш меъёри ошиши эвазига 0,8-3,3 см га ошган. Дуккакланиш фазасида поя баландлиги экиш меъёрлари бўйича 69,0-72,6 см ни ташкил қилиб, экиш меъёри ошиши туфайли поя баландлиги 0,7-3,6 см га ошганлиги аниқланган.

#### 1-жадвал

Дурдона навининг поя ўсиш динамикаси см, 1 туп ўсимликда

| Экиш муддати<br>A | Экиш меъёри<br>минг дона/га Б | Ривожланиш даврлари |        |           |
|-------------------|-------------------------------|---------------------|--------|-----------|
|                   |                               | шоналаш             | гуллаш | дуккаклаш |
| 12 май            | 200                           | 14,8                | 33,9   | 63,7      |
|                   | 300                           | 17,5                | 35,8   | 64,6      |
|                   | 400                           | 19,9                | 37,8   | 66,9      |
| 20 июн            | 200                           | 19,1                | 40,1   | 66,2      |
|                   | 300                           | 21,1                | 41,5   | 69,8      |
|                   | 400                           | 23,0                | 42,9   | 70,8      |
| 1 июл             | 200                           | 26,2                | 43,5   | 69,0      |
|                   | 300                           | 27,6                | 44,2   | 70,2      |
|                   | 400                           | 29,3                | 46,8   | 72,6      |
| 10 июл            | 200                           | 23,4                | 40,1   | 67,8      |
|                   | 300                           | 24,8                | 42,3   | 69,5      |
|                   | 400                           | 28,0                | 44,0   | 71,2      |

Дурдона нави 10 июлда экилганда 4 та чин барги ривожланиш фазасида экиш меъёрлари бўйича поя баландлиги 23,4-28,0 см ни ташкил қилган. Экиш меъёри ошиши эвазига поя баланлиги 1,4-4,6 см га ошган. Гуллаш фазасида экиш меъёрлари бўйича поя баландлиги гуллаш фазасида экиш меъёрлари бўйича поя баландлиги 40,1-44,0 см ни ташкил қилиб, экиш меъёри ошиши эвазига 2,2-3,9 см га ошган. Дуккакланиш фазасида поя баландлиги экиш меъёрлари бўйича 67,8-72,1 см ни ташкил қилиб, экиш меъёри ортиши туфайли поя баландлиги 1,7-3,4 см га ошганлиги аниқланган. Дурдона навида охирги экиш муддатида поя баландлиги барча ривожланиш фазалари бўйича камайганлиги кузатилди. Дурдона нави ўзининг биологик хусусияти бўйича Истиқлол-30 навига нисбатан паст бўйли эканлиги намоён бўлди. Экиш муддати ва меъёрлари мош навларининг ўсишига таъсир кўрсатганлиги аниқланди. Ҳар икки навда ҳам экиш меъёри ошган сари поя баландлиги юқори бўлганлиги кузатилди. Экиш муддати 1 июлгача кечикирилганда Дурдона навининг пояси яхши ўсанган. Бу нав 10 июлда экилганда поя ўсиши суст бўлиб олдинги муддатга нисбатан паст бўлган.

Ўрганилган технологик тадбирлар мош навларининг ҳосилдорлигига таъсир кўрсатган. Ўртacha уч йилги тажрибалардан олинган Истиқлол-30 навининг ҳосилдорлиги энг кам меъёрда экилганда 23,8 с/га ни ташкил қилган. Экиш меъёри 300 минг дона бўлганда ҳосил 2,4 с га ёки 6,7 % га ошган. Экиш меъёри 400 минг дона бўлганда ҳосил биринчи вариантга нисбатан 7,6% га камайганлиги аниқланди.

Истиқлол-30 нави тақрорий 20 июнда гектарига 200 минг дона уруғ экилганда ҳосил 6,3% ошган. Экиш меъёри 300 минг/га бўлганда ҳосил 9% га ошганлиги кузатилган. Экиш меъёри 400 минг дона бўлганда ҳосил 1,7 с/га ошган ёки бу 7,7 % ни ташкил қиласди.

Экиш муддати кечиктирилиб 1 июлда экилганда экиш меъёри камроқ бўлганда ҳосил олдинги экиш муддатига нисбатан 2,4 % га камайган, экиш меъёри ўртача 300 минг дона уруғ экилганда олдинги муддатга нисбатан 2,7 % га камайганлиги кузатилган. Энг юқори экиш меъёрида гектарга 400 минг дона уруғ экилганда 3,8% га камайган. Охирги экиш муддати 10 июлда 200 минг дона уруғ экилганда 21,2 с/га ҳосил олинган, бу олдинги экиш муддатига нисбатан 14,2% га, 300 минг дона уруғ экилганда 23,9% ва 400 минг уруғ экилганда 19,3% га камайган. Истиқлол-30 нави май (25,4 с/га) ва июнда ойида (26,3 с/га) 300 минг/га дона уруғ экиб юқори ҳосил олинган.

Дон-дуккакли экинларга баҳо берилганда, асосан дон таркибидаги оқсил модда ҳисобга олинади. Оқсилни шаклланиши ташқи омилларга боғлиқ бўлиб, ҳаво харорати ошганда оқсил микдори ҳам ошади. Шунинг учун баҳорги экиш муддатига нисбатан тақрорий 20 июнда экилганда оқсил микдорини ошганлиги аниқланган.

## 2-жадвал

### Истиқлол-30 навининг ҳосилдорлиги, га/с

| Экиш муддати А  | Экиш меъёри минг тупга Б | Тадқиқот йиллари |              |              | Ўртacha |
|-----------------|--------------------------|------------------|--------------|--------------|---------|
|                 |                          | 2020             | 2021         | 2022         |         |
| 12 май          | 200                      | 24,6             | 23,1         | 23,7         | 23,8    |
|                 | 300                      | 26,0             | 24,9         | 25,3         | 25,4    |
|                 | 400                      | 22,6             | 21,8         | 21,8         | 22,0    |
| 20 июн          | 200                      | 26,0             | 25,3         | 24,8         | 25,3    |
|                 | 300                      | 27,0             | 25,9         | 26,2         | 26,3    |
|                 | 400                      | 24,4             | 23,4         | 23,4         | 23,7    |
| 1 июл           | 200                      | 25,4             | 24,2         | 24,7         | 24,7    |
|                 | 300                      | 26,2             | 25,3         | 25,5         | 25,6    |
|                 | 400                      | 23,2             | 22,3         | 22,9         | 22,8    |
| 10 июл          | 200                      | 21,8             | 20,6         | 21,4         | 21,2    |
|                 | 300                      | 20,2             | 18,6         | 19,9         | 19,5    |
|                 | 400                      | 19,2             | 17,5         | 18,7         | 18,4    |
| ЭКФ 05 с/га %   |                          | 1,06<br>4,40     | 0,61<br>2,65 | 1,43<br>3,51 |         |
| А муддат с/га % |                          | 0,53<br>2,21     | 0,35<br>1,52 | 0,83<br>3,10 |         |
| Б меъёр с/га %  |                          | 0,61<br>2,54     | 0,31<br>4,35 | 0,71<br>2,70 |         |

Мош навлари 10 июлда экилганда оқсил микдори барча экиш меъёrlарида баҳорги экишга нисбатан камайганлиги аниқланган. Экиш меъёrlари ҳам оқсил микдорига таъсир қилиши, бу озиқа майдонини камайиши билан боғлиқ. Экиш меъёrlари ошганда оқсилнинг камайиши экинзорда микроиқлимни ўзгаришига боғлиқ. Экин қалин экилганда ёруғлик камаяди. Оқсил ҳосил бўлиши учун ёруғлик ва этарли харорат талаб қилинади.

Бизнинг фикримиз бўйича қалин экилган вариантларда оқсилни камайиши ёруғлиknинг этарли бўлмаганига боғлиқdir (3-жадвал). Юқоридаги Истиқлол-30 нави бўйича қайд қилинган қонуният Дурдана навида ҳам кузатилди. Дурдана нави баҳорда экилганда оқсил микдори экиш меъёrlари бўйича 25,3-22,3%, тақрорий 20 июнда экилганда 25,5-22,7% бўлиб баҳоргига нисбатан кам ошганлиги аниқланди яъни 0,2-0,4% га ортиқ бўлгани; 1 июлда экилганда оқсил микдори баҳоргига нисбатан

камайганлиги кузатилди. Дурдона навида оқсил миқдори фақат баҳорги экиш муддатида юқори бўлгани кузатилди (3-жадвал). Дурдона навида оқсил миқдори Истиқлол-30 навига нисбатан 0,8-1,1% га кам бўлгани аниқланди.

### 3-жадвал

Турли муддат ва меъёрларда экилган мошнинг  
Дурдона нави донида оқсил миқдори,%

| Т/р | Экиш муддати | Экиш меъёри минг туп/га Б | Оқсил миқдори, % |      |      |          |
|-----|--------------|---------------------------|------------------|------|------|----------|
|     |              |                           | 2020             | 2021 | 2022 | ўртачаси |
| 1   | 12 май       | 200                       | 25,4             | 25,8 | 24,7 | 25,3     |
| 2   |              | 300                       | 23,7             | 23,9 | 23,5 | 23,7     |
| 3   |              | 400                       | 22,5             | 22,4 | 22,1 | 22,3     |
| 4   | 20 июн       | 200                       | 25,1             | 24,7 | 26,7 | 25,5     |
| 5   |              | 300                       | 23,8             | 23,2 | 25,0 | 24,0     |
| 6   |              | 400                       | 22,9             | 21,8 | 23,4 | 22,7     |
| 7   | 1 июл        | 200                       | 24,5             | 24,2 | 24,9 | 24,5     |
| 8   |              | 300                       | 23,1             | 22,3 | 23,2 | 22,8     |
| 9   |              | 400                       | 22,9             | 20,0 | 21,2 | 21,3     |
| 10  | 10 июл       | 200                       | 24,6             | 23,2 | 22,8 | 23,5     |
| 11  |              | 300                       | 23,8             | 22,5 | 21,3 | 22,5     |
| 12  |              | 400                       | 22,1             | 19,6 | 20,3 | 20,6     |

### Хулоса ва таклифлар

1. Мош навларининг ўсиш динамикасига ўрганилган технологик тадбирлар таъсир кўрсатган. Экиш муддати бўйича навларнинг ўсиши баҳорги муддатга нисбатан тақорорий 20 июн ва 1 июлда экилганда поя баландлиги юқори бўлганлиги аниқланди. Хар икки навнинг ўсишига экиш меъёри сезиларли таъсир кўрсатиб, экиш меъёри ошгансари поя баландлиги 3-4,5 см га ошганлиги аниқланган. Тажрибада катнашган навларнинг орасида янги эртапишар Дурдона навининг поя баландлиги Истиқлол-30 навига нисбатан анча паст бўлгани аниқланган.

2. «Истиқлол-30» навининг дон ҳосили тақорорий 20 июнда экилганда баҳорги экиш муддатига нисбатан экиш меъёрлари бўйича 1,5-0,9-1,7 с/гача, «Дурдона» навида ҳам мос равища 2,2-2,8 с/гача ошганлиги аниқланган. Июл ойида экилганда эса ҳосил 2,1-2,9 с/га ва 8,1-9,1 с/гача камайганлиги аниқланган. «Истиқлол-30» нави май (25,4 с/га) ва июнда (26,3 с/га), «Дурдона» навини май (28,1 с/га), июнда (28,4 с/га), 1 июлда (27,3 с/га) 300 минг дона уруғ экиб юқори ҳосил олиш мумкинлиги ўз исботини топган.

3. Экиш муддатлари ва меъёрлари мош дони таркибидаги оқсилга таъсир кўрсатиб, экиш меъёри ошган сари оқсил миқдорини камайиши, тақорорий экилганда оқсил миқдори баҳоргига нисбатан «Истиқлол-30» навида 1,7-1,0% га, «Дурдона» навида 0,3-0,5% га ошганлиги аниқланган.

### **ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:**

- Орипов Р., Халилов Н. “Ўсимликшунослик”, Тошкент, 2006 й. –245-248 бетлар.
- Жумаев Н., Шерматов Э. Алмашлаб экиш мажмуидаги экинларнинг ғўза ҳосилдорлигига таъсири “Жанубий Ўзбекистон дехқончилик самарадорлигини

ошириш технологияси. ҚМИИ. Агрономия кафедрасининг биринчи илмий ишлар тўплами 2014. 57-59 бет.

3. Эрназаров И. “Ўғитлаш тизими” – Қарши, Насаф. 1998. – 96 б.
4. Доспехов Б,А, “Методика полевого опыта”, Изд-во «Колос» Москва 1985г
5. Ўзбекистонда экишга тавсия этилган кузги буғдой, дуккакли дон экинларининг маҳаллий ва хорижий навлари ҳамда уларни парваришилаш” бўйича тавсиянома. Андижон 2019 йил
6. Дала тажрибаларини ўтказиш услублари. Тошкент. 2007 й.